

# Саудия Арабистонида ўтказиладиган халқаро Қуръон мусобақасига қориларимиз жўнаб кетишди



10:07 / 06.09.2019 2173

2019 йил 7-11 сентябрь куни Қуръони каримни ёддан ўқиш ва тафсир қилиш бўйича Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида 41 халқаро Қуръони карим мусобақаси ўтказилади. Бу ҳақда Халқаро алоқалар бўлими ходими хабар берди.

Мазкур мусобақа қуйидаги 4 йўналишда бўлиб ўтади:

Қуръони каримни тажвид қоидаси билан тўлиқ ёддан ўқиб бериш билан бирга Қуръони карим сўзларининг маъноларини билиши.

Қуръони каримни тажвид қоидаси билан тўлиқ ёддан ўқиб бериш.

Қуръони каримнинг 15 порасини тажвид қоидаси билан ёддан ўқиб бериш.

Қуръони каримнинг 5 порасини тажвид қоидаси билан чиройли оҳангда ўқиб бериш. Бу йўналиш Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлмаган ва мусулмонлар камчилик бўлган давлатлар иштирокчилари учундир. Мусулмон давлатлар вакиллари ушбу йўналишда қатнаша олмайди.

Маълум қилинишича, бу йилги мусобақада 103 та давлатдан 146 нафар вакиллар иштирок этади.

Юртимизнинг 2 нафар вакили Тошкент ислоҳ институти талабаси Ҳусниддинов Зухриддин қори ва Бухоро шаҳридаги «Мир Араб» олий мадрасаси талабаси Орифжонов Абдурауфхон мазкур мусобақада иштирок этиш учун шу йилнинг 3 сентябрь куни Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

***Islom.uz портали таҳририяти***